



**New Day in Medicine**  
**Новый День в Медицине**

**NDM**



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



**AVICENNA-MED.UZ**



ISSN 2181-712X.  
EiSSN 2181-2187

**5 (79) 2025**

**Сопредседатели редакционной  
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,  
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ  
А.А. АБДУМАЖИДОВ  
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ  
Л.М. АБДУЛЛАЕВА  
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ  
М.А. АБДУЛЛАЕВА  
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ  
Б.З. АБДУСАМАТОВ  
М.М. АКБАРОВ  
Х.А. АКИЛОВ  
М.М. АЛИЕВ  
С.Ж. АМИНОВ  
Ш.Э. АМОНОВ  
Ш.М. АХМЕДОВ  
Ю.М. АХМЕДОВ  
С.М. АХМЕДОВА  
Т.А. АСКАРОВ  
М.А. АРТИКОВА  
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)  
Е.А. БЕРДИЕВ  
Б.Т. БУЗРУКОВ  
Р.К. ДАДАБАЕВА  
М.Н. ДАМИНОВА  
К.А. ДЕХКОНОВ  
Э.С. ДЖУМАБАЕВ  
А.А. ДЖАЛИЛОВ  
Н.Н. ЗОЛотова  
А.Ш. ИНОЯТОВ  
С. ИНДАМИНОВ  
А.И. ИСКАНДАРОВА  
А.С. ИЛЬЯСОВ  
Э.Э. КОБИЛОВ  
А.М. МАННАНОВ  
Д.М. МУСАЕВА  
Т.С. МУСАЕВ  
М.Р. МИРЗОЕВА  
Ф.Г. НАЗИРОВ  
Н.А. НУРАЛИЕВА  
Ф.С. ОРИПОВ  
Б.Т. РАХИМОВ  
Х.А. РАСУЛОВ  
Ш.И. РУЗИЕВ  
С.А. РУЗИБОЕВ  
С.А.ГАФФОРОВ  
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)  
Ж.Б. САТТАРОВ  
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)  
И.А. САТИВАЛДИЕВА  
Ш.Т. САЛИМОВ  
Д.И. ТУКСАНОВА  
М.М. ТАДЖИЕВ  
А.Ж. ХАМРАЕВ  
Д.А. ХАСАНОВА  
Б.З. ХАМДАМОВ  
А.М. ШАМСИЕВ  
А.К. ШАДМАНОВ  
Н.Ж. ЭРМАТОВ  
Б.Б. ЕРГАШЕВ  
Н.Ш. ЕРГАШЕВ  
И.Р. ЮЛДАШЕВ  
Д.Х. ЮЛДАШЕВА  
А.С. ЮСУПОВ  
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ  
М.Ш. ХАКИМОВ  
Д.О. ИВАНОВ (Россия)  
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)  
DONG JINCHENG (Китай)  
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)  
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)  
В.А. МИТИШ (Россия)  
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)  
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)  
А.А. ПОТАПОВ (Россия)  
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)  
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)  
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)  
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)  
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)  
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН  
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ  
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал  
Научно-реферативный,  
духовно-просветительский журнал*

**УЧРЕДИТЕЛИ:**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ  
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ  
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский  
исследовательский центр хирургии имени  
А.В. Вишневского является генеральным  
научно-практическим  
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных  
изданий, рецензируемых Высшей  
Аттестационной Комиссией  
Республики Узбекистан  
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

**РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:**

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)  
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)  
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)  
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)  
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)  
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)  
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)  
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)  
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)  
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)  
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

**5 (79)**

**2025**

*май*

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.04.2025, Accepted: 10.05.2025, Published: 15.05.2025

УДК 616.31-002.152+616.98

## ОЛИНАДИГАН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИДАН КЕЙИНГИ РИВОЖЛАНАДИГАН ЎЧОҚЛИ ПАРОДОНТИТЛАРНИ СТОМАТОЛОГИК ТЕКШИРУВ УСУЛЛАРИ

Тухтаева Махсуда Махсудовна Email: [tuxtaeva.maxsuda@bsmi.uz](mailto:tuxtaeva.maxsuda@bsmi.uz)

Идиев Файрат Элмуродович <https://orcid.org/0009-0002-8208-1723>

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,  
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*Олинадиган протези мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг кенг тарқалиши, пародонтал индексларнинг ўрта оғирлик даражадалиги, ўчоқли пародонтитнинг клиник кечии хусусиятлари, пародонт тўқимасининг цитопатология аломатлари, бириктирувчи тўқима хужайра кўрсаткичлар динамикаси беморларни эрта ташхислашни ва олдини олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади*

*Калит сўзлар: олинадиган тиш протезлари, ўчоқли пародонтитлар, стоматологик текширув усуллари, пародонт тўқимаси цитологик текширувлар*

## МЕТОДЫ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ ПРИ ОСТРОМ ПАРОДОНТИТЕ, РАЗВИВАЮЩЕМСЯ ПОСЛЕ СЪЕМНЫХ ЗУБНЫХ ПРОТЕЗОВ

Тухтаева Махсуда Махсудовна, Идиев Файрат Элмуродович

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины,  
Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Резюме

*У пациентов со съёмными протезами важно проводить распространённость заболеваний слизистой оболочки полости рта, среднетяжёлый уровень пародонтальных индексов, клинические особенности острого пародонтита, признаки цитопатологии тканей пародонта, динамику показателей клеток соединительной ткани, раннюю диагностику и профилактику пациентов*

*Ключевые слова: съёмные зубные протезы, воспалительный пародонтит, методы стоматологического обследования, цитологические исследования тканей пародонта*

## METHODS OF DENTAL EXAMINATION FOR ACUTE PERIODONTITIS THAT DEVELOPS AFTER REMOVABLE DENTURES

Tuxtaeva Maxsuda Maxsudovna, Idiev Gayrat Elmurodovich

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi.  
1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: [info@bsmi.uz](mailto:info@bsmi.uz)

### ✓ Resume

*In patients with removable dentures, it is important to study the prevalence of diseases of the oral mucosa, the moderate level of periodontal indices, the clinical features of acute periodontitis, signs of cytopathology of periodontal tissues, the dynamics of connective tissue cells, early diagnosis and prevention of patients*

*Keywords: removable dentures, inflammatory periodontitis, methods of dental examination, cytological studies of periodontal tissues*

## Долзарблиги

Охириги йилларда аҳоли орасида олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитларда билан касалланиш кўпайиб бормоқда, бу эса тиббий-ижтимоий, иқтисодий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, бу патологиянинг олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитларда ривожланиши уларни ташхислаш ва даволашда мураккаблик вужудга келтириши билан алоҳида ўрин тутмоқда. Аниқланишича сўнгги 20 йил давомида ўтказилган тадқиқотлар олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтит мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари 42% гача, турли вируслар билан бирга келиши эса 80% гача кузатилиши қайд этилган. Шу билан бирга олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтит мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликларининг устунлик қилиши ҳамда 78,3% дан 95,3% гача кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат патология бошланғич босқичларининг аниқ клиник белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг, мутахассислар орасида ягона этиологик қарашлар йўқлиги билан баҳоланади. Келтирилган асослар ушбу тиббий муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда [2.4.6.8.10].

**Тадқиқот мақсади:** олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитларни стоматологик текширув усулларини такомиллаштириш.

## Материал ва усуллар

Тадқиқот даврида олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган касалликлар мавжуд беморлар, Бухоро шаҳридаги “САРМЕН plus” тиббиёт маркази базасида 2020–2023 йилларда олиб борилган ва Бухоро шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича, жами 582 нафар олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитлар билан оғриган беморлар текширилди. Шулардан тадқиқот мақсадида 120 нафар олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитлар билан оғриган 18-69 ёшли беморлар, шундан 58 нафар бемор эркалар, 92 нафар бемор аёллар ва ҳамда назорат гуруҳи учун 62 нафар соғлом кўнгиллилар ажратиб олинди. Чунки 582 нафар беморлар орасида асосий касаллик фонидан ташқари бир неча ёндош касалликлари мавжуд беморлар тадқиқотдан четлаштирилди (1 - жадвал).

1 жадвал

### Жами текширилган беморларда учрайдиган ёндош касалликлари

№	Соматик касалликлар	Беморларнинг сони	
		Мут	М±m, %
1	Сурункали гастрит (А, Б)	31	15,82±2,61
2	Сурункали холецистит	16	8,67±2,01
3	Сурункали гепатит (А, В, С)	8	11,22±2,25
4	Сурункали панкреатит	28	6,12±1,71
5	Сурункали пиелонефрит	13	11,73±2,30
6	Қандли диабет	51	14,80±2,54
7	Сурункали энтероколит	21	7,65±1,90
8	Атеросклероз	42	4,08±1,41
9	Гипертоник касаллик	63	6,63±1,78
10	Қалқонсимон без касалликлари	38	6,12±1,71

Тадқиқот гуруҳларимизга танлаб олинган беморлар орасида асосий касаллик фони ва гипертония, атеросклероз касаллигининг енгил даражаси билан оғриган беморлар мавжуд.

Тадқиқотимизда танлаб олинган олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитлар билан оғриган 18 ёшдан 69 ёшгача бўлган беморларда ўчоқли пародонтитлар хавфи юқори, деб ҳисобланган. Тадқиқот давомида олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитлар билан оғриган беморларнинг ёш даражаларига кўра бўлинган (2-жадвал) (1-расм). 18 ёшдан 39 ёшгача бўлган ёш гуруҳини 35 нафар (29,1%), 40 ёшдан 69 ёшгача бўлган ёш гуруҳини 85 нафар (70,9%) беморлар тадқиқот давомида асосий гуруҳи диапазонида бўлди.

Тадқиқотга киритилган, барча беморлар 2 та катта гуруҳга бўлинди. Тадқиқот давомидаги барча


текширилган беморларнинг жинс бўйича ҳам бўлиб ўрганилди (3-жадвал).

Асосий гуруҳ олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган ўчоқли пародонтитлар мавжуд 120 нафар беморлардан ташкил топди. Назорат гуруҳи беморлари 18-69 ёш оралиғидаги 30 нафар соғлом кўнгиллилар гуруҳидан ташкил топди. Беморларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланиши 3-жадвалда келтирилган (2-расм).

2 жадвал

### Тадқиқот давомидаги беморларнинг (Асосий гуруҳ) ёш даражалари

Ёши	Асосий гуруҳи		m
	Бемор сони	M (%)	
18-39 ёш	35	29,1	4,08
40-69 ёш	85	70,9	4,08
Жами	120	100	0,00




1-расм. Тадқиқот давомидаги беморларнинг ёш даражалари.

3 жадвал

### Тадқиқот давомидаги барча беморларнинг жинс бўйича бўлиниши

Гуруҳлар	Ёши	18-39 ёш		40-69 ёш	
		Эркак	Аёл	Эркак	Аёл
Асосий n=120	абс	12	23	34	51
	M(%)				
	m	2,8	2,9	3,31	3,81
Назорат n=62	абс	12	18	17	15
	M(%)				
	m	2	2	2	2
Жами n=182	абс	24	41	51	66
	M(%)				
	m	2,8	2,9	3,31	3,81



2-расм. Тадқиқотда текширилган беморларнинг жинс муносабати

Тадқиқот давомида барча иштирокчилар тадқиқотни олиб боришнинг мақсади ва вазифаларини ўз ичига олувчи “Бемор учун маълумотлар” билан ёзма ва оғзаки шаклда таништирилди ҳамда ўтказилаётган тажрибада иштирок этишга “тадқиқот иштирокчиларининг розилиги хати” шакли билан танишиб ҳар бир бемор розилик билдириб, имзолади.

Илмий-клиник иши ихтиёрий иштирокчиларда олиб борилган обсервацияли, назорат қилинадиган, рандомизациялашмаган, проспектив, когорт тадқиқот дизайнига мувофиқ бажарилди.

4 жадвал

**Олинадиган тиш протезларидан кейинги ривожланадиган Ўчоқли пародонтитларни текширишда амалга оширилган текшириш усуллари**

Тадқиқот давомида амалга оширилган текшириш усуллари	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
1. Клиник-стоматологик текширув - КПУ - ОНI-S (Oral Hygiene Indices-Simplified) - PMA - Russel (PI) бўйича ПИ пародонтал индекси - Пародонтал чўнтакларнинг чуқурлиги - Пародонтитнинг оғирлик даражаси - Мюльмен бўйича қонаш синамаси	120	62
2. Цито-морфологик текширув	120	62
3. Статистик қайта ишлаш усуллари.	120	62

**Натижа ва таҳлиллар**

Тадқиқот натижасида биз комплекс, клиник-лаборатор тадқиқот ўтказишда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази лаборатория бўлимида клиник-стоматологик, цито-морфологик текширишларни Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали клиник-морфология текширув бўлимида (бўлим мудирини М.Ж.Ҳамроев бошчилигида, Пат анатом-гистолог врач М.Р.Ҳамраева томонидан, 2022-2023 йилларда) ўтказилган. Биринчи босқичда қоғозда ёзма анкета сўровномаси олиб борилди. Ушбу усул ёрдамида иштирокчилар оғиз бўшлиғига учрайдиган ўчоқли пародонтитлар ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватига тегишли бўлган субъектив ҳисларни қайд этишди: милклардан қон кетиши, оғиз бўшлиғининг шиллик қаватини қуруқлиги, ачиши, оғиз бўшлиғидан ёқимсиз ҳид ва таъм бузилишига ёзма шикоят қилишди. Анкета пубертат даврни белгиларини аниқлаш имконини берувчи 30 та саволдан ташкил топган сўровномани ўзида намоён этади [1.3.5.7.9].

Олинадиган тиш протезларидан кейин оғиз бўшлиғидаги асоратлари мавжуд 18-69 ёшли беморларда оғиз бўшлиғида кариес ва унинг асоратлари  $28,7 \pm 4,08$ , эмал эрозияси  $8,0 \pm 3,2$ , понасимон нуқсон  $13,9 \pm 2,7$ , гиперестезия  $17,3 \pm 4,08$  ва патологик едирилиш  $12,6 \pm 2,05$  глоссалгия  $1,3 \pm 3,2$ , хейлит  $2,0 \pm 2,8$ , лейкоплакия  $0,67 \pm 4,08$ , кандидоз  $12,5 \pm 2,05$  ни ташкил қилган ( $p < 0,05$ ). Бу беморларда ўчоқли пародонтитнинг учраш даражаси: 12,5% енгил даража, 29,1% ўрта даража ва 58,4% оғир даража билан тафовутланган.

**Хулоса**

Олинадиган тиш протезларидан кейин оғиз бўшлиғидаги асоратлари мавжуд беморларда яъни ўчоқли пародонтитда цито-морфологик текширишда, оғиз бўшлиғи шиллик қаватида эпителиал ҳужайралар элементлари  $71,43 \pm 2,43$ , цитопатология аломатлари билан  $1,76 \pm 0,04$ , боғловчи тўқима ҳужайралари  $48,56 \pm 1,69$  ни ташкил этиб, ўчоқли пародонтитнинг сурункали қайталаниб, авж олиши ва клиникасининг оғир ўтишини исботланган. Пародонтал кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига нисбатан 1,5 баравар ортиши, циалометрия кўрсаткичларининг 1,7 мартага пасайиши ҳужайра элементлари сонининг ишончли камайишига олиб келди.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гафоров С. А., Алиев Н. Х., Идиев Ф. Э. Чакка-пастки жағ бўғими меъерий фаолияти ва патологияси механизмларини асослашнинг тамойиллари //Тиббиётда янги кун. – 2020. – №. 1. – С. 132-135. (14.00.00; № 22)
2. Идиев Г. Э., Гафоров С. А., Ибрагимова Ф.И. Эпидемиология, этиопатогенез и диагностика дисфункции височно-нижнечелюстного сустава //Тиббиётда янги кун. – 2020. – №. 3. – С. 47-51. (14.00.00; № 22)
3. Идиев Г. Э. Чакка-пастки жағ бўғимининг дисфункцияси диагностикасига мутахассисларнинг фанлараро ёндашуви асосида даволаш самарадорлигини такомиллаштириш //Stomatologiya. – 2021. – №. 2 (83). – С. 33-35. (14.00.00; № 12)
4. Идиев Г. Э. Междисциплинарный подход к диагностике пациентов с патологиями височно-нижнечелюстного сустава //Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. – 2021. – Т. 3. – №. 1. – С. 15-21. (14.00.00, №51)
5. Гафоров С. А., Идиев Г. Э. Чакка-пастки жағ бўғимининг фаолияти бузилишларида диагностика қилишга турли мутахассисликлар ёндашувнинг аҳамияти //Доктор ахборотномаси– 2021. – №. 3. – С. 22-32. (14.00.00; № 20)
6. Gaforov S.A., Idiyev G. E., Ibragimova F.I. Approaches to the diagnosis of the dysfunctional state of the temporomandibular joint //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2021. – Т. 7. – №. 9. – С. 2092-2103. (Scopus)
7. Idiyev G. E.Improving the effectiveness of treatment based on an interdisciplinary approach of specialists to the diagnosis of temporomandibular joint dysfunction //Science Asia. – 2022. – Т. 48. – №. 3. – С. 51-60. (Scopus)
8. Идиев Г. Э. Чакка пастки жағ бўғими касалликлари билан касалланган беморларда окклюзия-артикуляция, нейромушак синдроми ва пастки жағ каллагининг одатланган чиқишини клиник-неврологик ўрганиш натижалари // Тиббиётда янги кун. – 2022. – №. 11 (49). – С. 64-69. (14.00.00; № 22)
9. Идиев Г. Э.Чакка-пастки жағ бўғими функционал бузилишларини эрта ташхислашда функционал ва инструментал текшириш усуллари //Биология ва тиббиёт муаммолари. – 2022. – №. 6 (140). – С. 89-93.(14.00.00; № 19)
10. Идиев Г. Э.Чакка-пастки жағ бўғими патологиялари этиологиясида салбий таъсир этувчи клиник-неврологик омиллар қиёсий тавсифи ҳамда ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш//Биомедицина ва амалиёт журнали. – 2022. – №. 6. – С.295. (14.00.00; № 24)

Қабул қилинган сана 20.03.2025